

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**АСРЛАР ОША КАДРЛАНГАН  
АЛЛОМА**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**АСРЛАР ОША КАДРЛАНГАН  
АЛЛОМА**

**Носир Хисрав таваллудининг 1000 йиллиги  
муносабати билан**

Методик-библиографик кўлланма

**ТОШКЕНТ-2004**

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи:	М.Матмурадова
Муҳаррир:	Ҳ.Маматраимова
Масъул муҳаррир:	А.Турсунов
Матн терувчи:	З.Джалилова

Шарқ адабиётининг йирик вакилларида бири Абу-Муъиниддин Носир Хисрав ал-Кубодиёний таваллудининг 1000 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма аллома ижодини, меросини чуқур ўрганиш, тарғиб ва тарғибот қилишда кутубхона ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда кутубхоначилар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

## МУҚАДДИМА

*У шеър санъатида моҳир, ҳикмат  
илмида комил эди.*

Абдураҳмон Жомий

Истиклол қуёши элимиз осмонида таҳкир ва ҳақорат булутларини ҳайдаб юбориб, чинакам хазина бўлган халқимизнинг соф ва бебаҳо гавҳарларини ял-ял ёндирди. Аҳмад Яссавий, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Мажиддин Бағдодий, Қозизода Румий, Чогий, Сайфи Саройи сингари юзлаб зоти шарифларнинг муборак номлари яна оғизга тушиб, тилларда дoston бўла бошлади.

Ана шундай алломалардан бири Шарқнинг буюк мутафаккири, олим ва шоир, давлат арбоби Носир Хисравдир.

Носир Хисрав Шарқда адолат, халқпарварлик, маърифатпарварлик ғоясини дадил қуйлаган шоир, жасоратли фикҳ донишманди сифатида шуҳрат топган, илм-фан, маърифат, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар афзалликлари ҳақида бир-биридан маънодор ҳикматлар ва катор асарлар яратган машҳур шоирдир.

Нафис ижод соҳиби Носир Хисравнинг маънавий мулки авлодларга қарийб минг йилдан буён хизмат қилмоқда.

У яратган нодир асарлар кутубхоналаримиз каталог ва картотекаларида ўз аксини топган.

Алломанинг таваллудига 2004 йилда 1000 йил тўлади. Ўзбек халқи бу санани нишонлайди.

Республика кутубхоналарининг вазифаси китобхонлар диққатини Носир Хисрав ижодига жалб қилиш ва ижодини тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар адабиётлар тарғиботининг китоб тақдироти, илмий-амалий конференциялар, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, хотира соати, китоб кўргазмаси, асарларининг обзори сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини етказиб бера оладиган адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар, диншунослар, файласуфлар, журналистлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказининг жойлардаги бўлимлари, «Маҳалла», «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, файласуфлар, хотин-қизлар кўмиталари, журналистлар билан ҳамкорликда оммавий тадбирларни ташкил этишлари ва ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада кутубхоналарда адибнинг 1000 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишга кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

### **Носир Хисрав ҳаёти ва фаолияти (1004-1088)**

Носир Хисрав XI аср Шарқ адабиёти ҳамда фалсафа ва жўгрофиё фанлари тараққиётига муносиб

ҳисса кўшган йирик намояндалардан биридир. Марказий Осиё маданиятининг улуғ донишманди ва мутафаккири Абу-Муъиниддин Носир Хисрав ал-Кубодиёний 1004 йилда ҳозирги Тожикистоннинг жанубида, Амударё ирмоғи бўлган Кофарнихон дарёси бўйидаги Кубодиён шаҳрида дунёга келди.

Бошланғич маълумотни она юртида олади. Носир Хисрав кейинчалик Марв ва Балх мадрасаларида таҳсилни давом эттирди, диний, дунёвий билимларни эгаллади.

Унинг исми Абу-Муъиниддин Носир, отасиники эса Хисрав бўлиб, шеърларида «Ҳужжат» тахаллусини кўллаган.

Адабиёт ва илм оламида Носир Хисрав унвони билан танилган адиб ёшлигидаёқ катор тиллар ва фанлар (ал-жабр, муқобала, ҳандаса, мантиқ, нужум, хайъат, тиббиёт, тиб, фалсафа, фикҳ, тарих, калом, мусиқа, аруз ва бошқалар)ни пишиқ ўрганган.

У бу даврда улуғ ватандошлари Абу Али ибн Сино, Форобий асарларини чуқур ўрганади ҳамда бутун умрга уларнинг содиқ шогирди ва давомчиси бўлиб қолади. Бундан ташқари, у қадимги дунё файласуфлари Суқрот, Арасту, Афлотун таълимотини ўрганиш билан шуғулланади.

Носир Хисрав олдин маълум муддат Ғазнавий ҳукмдорлардан Султон Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Масъуд салтанати даврида расмий лавозимларда, яъни мирзалик қилган, солиқ маҳкамасини бошқарган. Манбаларда берилган маълумотларга кўра, унинг Салжуқийлар салтанатида хизматда бўлганлиги хусусида ҳам айрим ишоралар сақланган. Бироқ сарой муҳитининг аянчли манзаралари истеъдодли шоирга манзур тушмади. Амалдору мулозимлар, руҳонийлар

манфаатпараст шоирларнинг нафс учун паст кетишлари, ҳар қандай разилликларга тайёр туришлари, авжига чиққан мадҳиябозликлар Носир Хисравнинг кўзини очди. Унинг шеърляти ва илмий қарашларида танқиднинг кучайишига замин яратди. Ана шу омиллар унинг маънавий дунёсида бурилиш ясади, у ҳақиқат излаш ва халқ хизмати учун ижодий, фикрий изланиш билан шуғулланишга киришди.

Жумладан, давлат хизматида ўтган йиллар унинг ҳаётини тажрибасини анча оширади. У бир тарафдан юқори табақалар ҳаёти, уларнинг мамлакат ва халқни бошқариш сиёсатидан воқиф бўлса, иккинчи томондан, оддий меҳнаткаш халқ турмуши, ҳунарманд, деҳқон ва бошқа касб эгаларининг жамиятдаги ўрнига оид бевосита қузатиш ва тажрибалари унинг асарларида акс этган.

Носир Хисрав 1045 йилда давлат хизматидан бўшаб, сафарга отланади. Унинг бу сафари етти йилга чўзилиб, 1052 йилгача давом этади. У Эрон, Арманистон, Озарбайжон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ диёрларидаги Табриз, Коҳира, Қуддус, Макка, Мадина, Лаҳсо, Яман, Басра, Исфахон ва бошқа бир қатор шаҳар ва вилоятларда бўлади. Мисрда икки йилдан ортиқ муқим яшайди. Сафар давомида Носир Хисрав ўз замонасининг кўплаб машҳур кишилари – шоирлар, олимлар, ҳокимлар билан учрашади. Табиийки, бу узок сафар машаққатлардан ҳоли бўлмасдан, унга хатарли денгиз саёҳати, саҳроларни кесиб ўтиш, пулсизлик каби синовларга бардош беришга тўғри келади. Алломанинг сафар хотиралари унинг «Сафарнома» асарида акс этган.

Ўша даврларда ислом динидаги икки асосий мазҳаб бўлган суннийлик ва шиалик ҳам ўз навбатида

бир неча оқим ва фирқалардан иборат бўлган. Носир Хисрав иша мазҳабидаги исмоилия оқимининг фаол тарафдори бўлди. У Мисрда бўлганида бу ерда давлат мафкураси даражасига кўтарилган исмоилия ғоялари баъзи жиҳатлари билан уни ўзига ром қилади. Маълумотларга кўра, у фотимийлар тариқатига киради ва исмоилийлар маслагини қабул қилади. Фотимийлар бутун дунёни эгаллашни мақсад қилиб, уни 12 жазира (орол)га бўлган эдилар. Носир Хисрав Хуросон бўйича жазира бошлиғи – Ғужжат этиб тайинланган. Баъзи тадқиқотчилар Носир Хисрав бундан олдин Ғиндистонда бўлганда Мўлтон шаҳрида исмоилийлар жамоалари билан илк бор яқинлашгани, унинг ғарбий ўлкаларга сафар қилишдан кўзлаган асосий мақсадларидан бири ҳам айни шу исмоилия таълимоти билан чуқурроқ танишиш бўлганлиги ҳақида фикрлар билдирганлар.

Носир Хисравнинг сафардан ватанига қайтиб келиши биланоқ, исмоилия таълимотини тарғиб қилиб бошлаган даъватчилик фаолияти сунний мазҳабидаги ҳукмдорларга ёқмади. Шу сабабли шоир қувғин ва таъқибларга учраб, бир қанча муддат Мозандарондек хилват ўлкада яшириниб юради. Бироқ ватанидан жудоликка тоқат қилолмай, тахминан 1060 йилда Бадахшонга келади ва Помир тоғлари орасида Юмғон қишлоғида паноҳ топади. Бу ерда у асосан ижодий иш билан машғул бўлади. Исмоилияга бўлган эътиқодидан воз кечмай, Миср ҳукмдорлари билан мактублар ёзишиб туради. Унинг даъватлари натижасида Бадахшонда исмоилийлар жамоаси вужудга келади ва улар асрлар давомида ўз эътиқодларига содиқ бўлиб қоладилар.

Носир Хисрав Юмғонда яшаган йиллари йиққан ҳаётий тажрибалари, улкан истеъдоди, қомусий

билимларига таяниб, у турли мавзуларда бир неча дурдона асарлар яратишга муваффақ бўлди. Ушбу асарлардаги ўткир фалсафий фикрлар, чуқур донишмандлик, мураббийна ўғитлар туфайли Шарқ ўлкаларида адиб номига эътиром юзасидан «Ҳаким» сўзи кўшиб айтиладиган бўлди.

Носир Хисрав адабий, илмий, фалсафий, Ҳикматий асар ва рисолаларини ўша давр анъанасига кўра, дарий ва араб тилларда яратган.

Мутафаккирнинг иккита шеърлар девони (бири форсий, иккинчиси араб тилида), «Рўшнонома» ва «Саодатнома» маснавийлари, «Зод ул-мусофирин», «Важҳи дин», «Хон-ул-ихвон», «Бўстон ул-уқул», «Далил ут-мутахайирин», «Жомеъ ул-Ҳикматайн», «Рисола дар жавоби 99 саволи фалсафи», «Кушойиш ва раҳойиш» каби кўплаб шеърӣ ва насрий асарлари мавжуддир.

Жумладан, «Рўшнонома» ихчам маснавий бўлиб, дoston 592 байтдан иборат. Шоир ўзининг фалсафий қарашлари баён этилган йирик насрий асарларидаги баъзи масалаларни «Рўшнонома»да шеърӣ шаклда мухтасар тарзда баён этган. Асарда, жумладан, «Инсон фитрати», «Инсон шарафи», «Комил инсон сифати», «Мақтовли ва ярамас хулқлар», «Жоҳиллар ва риёкорлар мазаммати», «Ақл таърифида», «Фалак ва юлдузларнинг яратилиши», «Тўрт унсур сифати», «Зоҳирӣ ва ботинӣ сезгилар» ва ҳоказо фасллар мавжуддир. «Ўзликни билиш ҳақида» фаслида мутафаккир шоир шундай хитоб қилади:

Ўз вужудингни билиб олгин,  
Шундан сўнг мажлислар тўрида ўтиргин.

Шоирнинг бирон-бир китоби йўкки, унда жоҳиллик қораланиб, илму маърифат шарафланмаган бўлсин:

Жоҳил одам жаҳонда ўз орзуларига эришолмайди.  
Хом меванинг ҳиди ва мазаси бўлмайди.

Носир Хисравнинг назмий асарлари ичида «Саодатнома» достони алоҳида ажралиб туради. «Саодатнома» уч юз байтдан иборат. Бу дostonнинг тили содда ва раvонлиги билан унинг бошқа асарларига нисбатан тушунишга анча осондир. «Саодатнома»да «Яхшилик ҳақида», «Жоҳил ва ножинслар ҳақида», «Дўстлик ва вафо ҳақида», «Доноларга ёндошмоқ ҳақида», «Ҳаё, ақл ва иймон ҳақида», «Эҳсон ҳақида» ва ҳоказо фасллар бор. Фасллар сарлавҳаларидан ҳам кўриниб турибдики, асар асосан донишманд шоирнинг ибратли ўғитларидан иборат.

Илғор мутафаккир илм ўрганишгагина эмас, уни тарғиб, ташвиқ қилишга, илм толибларига, уни қидирувчиларга етказиш кераклигига алоҳида эътибор беради:

Ўзингни илм бирла безатгил,  
Фақат кимхоб кийган эмасдир гўзал.

У илмни жон ичидаги гавҳар деб айтади:

Ақл билган ҳама гавҳарлар аро,  
Илмдан яхши кимё йўқдир асло.

Носир Хисравнинг фикрича, киши дилига таскин берувчи, уни бу дунёда шоду хуррам қилувчи ҳам илм:

Агар хуррамлик истарсен, сўроқла илм ила ҳикмат,  
Ўшанда илму донишдин олурсан мевайи ҳожат.

Унинг «илм» тушунчаси фақат диний илмлар билан чегараланиб қолмай, балки бутун дунёвий билимларни ўз ичига олади. Унинг фикрича: «Кишилар орасида ақллилари ақлий лаззатга интилади. Шундагина у умумий лаззатга эришади. Бу лаззат манбаи тоғлиқ оламдир... Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади, бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқорироқ поғонага олиб келади, демак, билимнинг чегараси йўқ», деб ёзади Носир Хисрав «Зод ул-мусофирин» деган асарида.

«Зод ул-мусофирин» китоби тахминан 1061 йилда Юмғонда ёзилган. Ушбу асар йигирма етти бобдан иборат бўлиб, унда муаллифнинг фалсафий қарашлари ўрин олган. Бобларнинг номлари «Ҳозирона ва ғойибона илмлар», «Заҳирий ва ботиний сезгилар», «Жисм ва унинг қисмлари», «Ҳаракат ва унинг турлари», «Руҳ ҳақида», «Макон ва замон», «Яратувчининг исботи ҳақида», «Худо одамни яратганидан олдин нега яратмаганлиги ҳақида», «Руҳнинг жисмга пайваст қилинишининг сабаби ҳақида», «Одамнинг қаердан келиб, қаерга кетиши ҳақида», «Таносух таълимотига раддия» ва ҳоказолардир.

Адибнинг «Жомеъ ул-ҳикматайн» («Ҳикматлар йиғиндиси») китоби 1070 йилда ёзилган. Бу китоб ҳам асосан «Зод ул-мусофирин»да қўйилган масалаларга бағишланган бўлса-да, аммо унда баён услуби ўзгачадир.

Муаллиф бу китобини файласуф ва исмоилия мазҳабидаги киши ўртасида бўлиб ўтган савол-жавоб ва

суҳбатлар тарзида ёзган. «Жомеъ ул-ҳикматайн» да ҳам муаллиф илмнинг аҳамияти ҳақидаги фикрларини ривожлантириб, оламнинг яратилишидан мақсад унда оқил ва комил инсонлар яшашидир, деган хулосага келиб, жумладан, шундай дейди: «Олам бир дарахт кабидир ва оқил одамлар ушбу дарахтнинг меваларидир. Дарахтнинг уруғини эккан ва парвариш қилаётган Зотнинг мақсади шунчаки дарахт ўстириш бўлмай, балки унда мевалар етиштиришдир».

Носир Хисравнинг ушбу асарлари ўрта асрлар Шарқдаги фалсафий фикрлар ривожини ўрганиш учун катта аҳамиятга эгадир.

Адибнинг «Важҳи дин» («Дин чеҳраси») асари, асосан, илоҳиёт масалаларига бағишланган. Ушбу китобида Носир Хисрав шариатни исмоилия мазҳаби таълимотига кўра талқин қилади. Олим исломдан бошқа динлар таълимотига ҳам қизиқиш билан қараган. «Важҳи дин» асарининг бир ўрнида у шундай дейди: «Ҳинд донишмандларида бир китоб бўлиб, улар буни Худонинг сўзлари дейишади. Мен уларнинг донишмандларидан бу сўзларнинг кўпларини эшитдим».

«Важҳи дин» рисоласи Помир тоғларида асрлар давомида Носир Хисрав хотирасини авлиё даражасида эъзозлаб келган исмоилийлар жамоаси орасида мўътабар китоб бўлган. Асарнинг қўлёзма нусхалари кўплаб кўчирилган ва ундан диний маросимларни ўтказишда амалий қўлланма сифатида фойдаланилган.

Адибнинг насрий асарлари орасида «Сафарнома» номли нодир китоби алоҳида ажралиб туради. «Сафарнома» Носир Хисравнинг ғарбий ўлкаларга саёҳат қилган етти йиллик (1045-1052) даврда кўрган-кечирганлари баёнини ўз ичига олади. Асар бизгача

жуда кам кўлёма нусхаларда сақланиб қолган. Улардан энг қадимийси милодий 1691 йилда, яъни муаллиф вафотидан 600 йилдан кўпроқ вақт ўтгач кўчирилган.

«Сафарнома»да муаллифнинг таржимаи ҳолига оид кўпгина маълумотлар мавжуд. Асар ғарбий ўлкаларга қилинган саёҳат хотираларидан иборат бўлса-да, ундан Носир Хисравнинг олдин Ҳиндистон мамлакати ва турклар диёрида ҳам бўлганлиги англашилади. Носир Хисрав ўз асарида Мовароуннаҳр ва Хуросондан анча олисдаги Миср ва Ҳижоз ўлкалари тавсифига кенг ўрин ажратади. Муаллиф айниқса, зиёратгоҳ жойлар, табаррук қадамжолар ҳақида маълумотлар келтиришга катта эътибор берган.

«Сафарнома» асари инглиз, француз, рус, урду, араб, турк, олмон тилларига таржима қилиниб, баъзи мамлакатларда бир неча бор нашр этилган.

Мовароуннаҳр ва унга ёндош ҳудудларда Носир Хисравнинг шеърий ва насрий асарлари асрлар давомда кўлёма нусхаларда ўқиб келинган. Уни нафақат катта шоир, балки йирик файласуф олим сифатида ҳам эътироф этишган.

«Сафарнома» асари ўзбек тилига Ғулом Карим томонидан таржима қилинган. «Сафарнома»даги ҳаж зиёратига тааллуқли лавҳалар Омонулла Бўриев томонидан таржима қилиниб, муфассал изоҳлар билан алоҳида китобча ҳолида нашр этилган.

Носир Хисрав 1088 йилда Юмғон қишлоғида вафот этади. Унинг макбараси ҳозирги шимолий Афғонистондаги Кўкча дарёсининг ўнг қирғоғида, тоғ тепасида жойлашган Ҳазрати Саййид қишлоғи яқинидадир.

## Носир Хисрав Ҳикматларидан

Ақлга илм бирла бергил кўмак,  
Ақл бу илмга харидор, демак.

\* \* \*

Ақлнинг олтиндан ортиқлиги бор,  
Одам олтин билан бўлолмас хушёр.

\* \* \*

Билим қидиришга урдим бошимни,  
Бекорга ўтказмадим умримни бир дам.

\* \* \*

Доно суҳбат дами арзир жаҳонга,  
Юз нодон арзимас бир бурда нонга.

\* \* \*

Баҳсада гўё сен учқур тойсан,  
Қизишмасанг, кўп йиқилмайсан.

\* \* \*

Доно суҳбатидан сира қочмагил,  
Таъсирин ўтказар сенга ҳам у тил.

\* \* \*

Ёшлиқ, телбалиқни чиқар бошингдан,  
Онанг хизматида бўлгил ёшингдан.

\* \* \*

Жаҳолат аҳли бирла қурма суҳбат,  
Етар ҳар дам бу ишдин жона заҳмат.

\* \* \*

Жаҳолат ўлимдир, билим тириклик.

\* \* \*

Илм бирла етиш мумкин, биродар,  
Заррачадан чиқиб кўёшга қадар.

\* \* \*

Кексага доимо бергил саломинг,  
Аяма бир оғиз ширин каломинг.

\* \* \*

Кексага кўмак бер суянган тоғинг,  
Буни тушунарсан қариган чоғинг.

\* \* \*

Косибдан шоду хуррам йўқ, жаҳонда,  
Ўнардан яхши дур ҳам йўқ жаҳонда.

\* \* \*

Тутгил қариларнинг қалтироқ кўлин,  
Қаригач билурсан кексалик йўлин.

\* \* \*

Қайдаки эшитсам илму донишни,  
Эшиги тагида ўлтирдим маҳкам.

\* \* \*

Қунт билан ўқисанг, ўргансанг ўнарсан,  
Ўзингнинг бошингдан сочурсан гавҳар.

\* \* \*

Ҳамиша халқингга меҳрибон бўлгил,  
Яхшиликка тирик ва омон бўлгил.

### **Носир Хисравнинг «Сафарнома» асари бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш йўл-йўриғи**

Ушбу асар бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш катта тайёргарлик ишларини талаб қилади. Конференцияни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари 1-2 ой олдин бошланади. Бунинг учун кутубхонага, ташкилот, жамоа, уюшма, муассасаларга, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юр்தларига эълон ёзилиб, иштирок этувчи китобхонларга таклифномалар юборилади. Маҳаллий матбуот, радио ва телевидение орқали ўтказиладиган конференция тўғрисида хабар берилиши унда кўпчиликнинг иштирок этишини таъминлайди. Конференция учун аудитория танлаб безатилади. Мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб кўрғазмаси ташкил қилинади. Китоб кўрғазмасидаги адабиётлардан обзор ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Конференция ўтказиладиган жойга «Носир Хисравнинг саёҳатлари харитаси»ни қўйиш мумкин. Конференцияни кутубхоначи ёки фаол китобхонлардан бири олиб бориши мумкин. Конференция давомида китобхонлардан ва иштирокчилардан асар ҳақида саволлар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.

Конференциянинг янада кизиқарли ўтиши учун Носир Хисрав асарларини таржима қилган таржимонларни, тадқиқотчиларни, файласуф, тарихчи, иқтисодчи, географ, адабиётшунос, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, диншунослар ва ҳажга бориб

келганларни, адабиёт ўқитувчиларини таклиф қилиш мумкин.

### **«Сафарнома» асарининг қисқача мазмуни**

«Сафарнома» асари Носир Хисравнинг назмий ва насрий асарлари орасида алоҳида ажралиб туради. Ушбу асарда муаллиф ўзининг ғарбий ўлкаларга қилган ва етти йил давом этган ажойиб ва ғаройиб саёҳати хотираларини тасвирлаган. Асарда ўзи саёҳат қилиб ўтган Эрон, Арманистон, Озарбайжон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ диёрларидаги Табриз, Қоҳира, Қуддус, Макка, Лаҳсо, Яман, Басра, Исфаҳон ва бошқа бир қатор шаҳар ва вилоятларнинг ўша даврдаги манзараларини жонли ва қизиқарли тарзда китобхон кўз ўнгида гавдалантиради. Носир Хисрав ўз асарида Мовароуннаҳр ва Хуросондан анча олисдаги Миср ва Ғажоз ўлкалари тавсифига кенг ўрин ажратган. Асарда зиёратгоҳ жойлар, табаррук қадамжолар ҳақида кенг ва атрофлича маълумот берилган. Шунингдек, муаллиф асарда ўз йўлномасидаги маълумотлар имкон қадар аниқ бўлишига ҳаракат қилган. Ҳатто баъзи ўзи бўлган шаҳарларнинг эни ва бўйини қадамлаб ўлчаб чиққан ҳамда бу шаҳарларда яшаётган эркаклар сони ҳақида ҳам маълумотлар берган.

«Сафарнома»ни мутолаа қилган китобхон кўз ўнгида ўша даврдаги ўнлаб шаҳар ва қишлоқларнинг жонли манзараси намоён бўлади. Асарда муаллиф ўзи мулоқот қилган оддий ва машҳур одамлар, турли халқлар ва қабилаларнинг урф-одатлари ва турмуш тарзи ҳақида қизиқарли маълумот берган.

Ушбу асар қатор фан соҳалари, чунончи, тарих, жуғрофия, адабиёт, меъморчилик ва амалий санъатга

катта фойдаси тегадиган ажойиб ва бебаҳо манба бўлиб қолади.

«Сафарнома»да муаллиф «Макка шаҳрининг сифати», «Араб ва Яман ўлкаларининг тавсифи», «Масжид ул-Ғаром ва Каъба уйининг тавсифи», «Каъба (уйи) эшигининг тавсифи», «Каъба ичининг тавсифи» га катта урғу берган ва уларни кенг ва равон ёритиб берган. Қарийб минг йил илгари улуғ аждодимиз томонидан яратилган ушбу асар нодир ва ноёб манба бўлиб қолади.

#### **Асар муҳокамаси учун тахминий саволлар**

1. «Сафарнома»да муаллифнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар борми?
2. Асарда турли халқларнинг маданияти, турмуши қандай акс эттирилган?
3. Асарда берилган Каъба ичининг тавсифини айтиб беринг?
4. Ҳаж сафари дафтарида муаллифнинг «Сафарнома»сидан ҳаж зиёрати билан боғлиқ лавҳаларни қим таржима қилган ва лавҳалардан айримларини гапириб беринг?
5. Асарнинг бадиий ва тарбиявий аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг?
6. Асарда қарвонсаройлардан, ҳовлилардан фойдаланиш ва ижарада туриш қандай кўрсатиб берилган?

#### **«Сафарнома» асаридаги таърифу тавсифлардан намуналар**

#### **Султон зиёфати таърифи**

Мисрдаги одатга биноан султон йилда икки марта байрамлар пайтида элга дастурхон ёзиб, зиёфат қилади ва хосу омга кўриниш беради. Зодагонлар султон ҳузурида, авом эса бошқа сарой ва уйларда зиёфат ейишади. Мен бу ҳақда жуда кўп эшитган бўлсам ҳам, ўз кўзим билан кўришни ҳавас қилардим. Мен танишиб ва дўстлашиб қолганим султон дабирларидан бирига дедим:

- Мен ажам маликлари ва ҳукмдорларидан бўлмиш султон Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Масъуд боргоҳида бўлдим. Улар улуғ подшолар бўлиб, неъмат ва бойликлари ҳисобсиз эди. Эндиликда амир ал-мўминин мажлисини ҳам томошо қилмоқ истагим бор.

### **Қоҳира шаҳри таърифи**

Шом тарафдан Мисрга келганда йўлдаги дастлабки йирик шаҳар Қоҳира бўлиб, Миср ундан жанубда жойлашган. Уни «Қоҳирайи Муиззийа» деб аташади.

Ал-Муиззиддиналлоҳ Мисрга келганида бу юртни Бағдод халифаси саркардаси идора этарди. У Муизнинг олдига келиб, унга итоат этибди. Муиз ҳозирги Қоҳира жойлашган ерга лашкаргоҳ қурибди. Бу жой куч билан ишғол этгани учун лашкаргоҳ «Қоҳира» даб аталибди.

Муиз аскарларига Миср шаҳрига кириш ва одамларнинг уйига жойлашишни тақиқлабди. Миср даштида саройлар ва бошқа иморатлар қуришни буюрибди. Шундай бир шаҳар бунёд этилганки, унга ўхшаши кам топилади. Менинг ҳисобимда Қоҳира шаҳрида султонга қарашли дўконлар йигирма мингдан кам эмас эди. Жуда кўп дўконларни ойига ўн мағриби динор ҳақ эвазига ижарага беришади, энг арзони ҳам

икки динордан кам эмас. Карвонсарой, ҳаммом ва бошқа иморатларнинг саноғига етиб бўлмайди. Ҳаммаси Султон мулкидир. Чунки, бирор одам ўзи қурганидан бошқа иморатга эгалик қилолмайди. Эшитишимча, Қоҳира ва Мисрда султонга қарашли саккиз минг ҳовли бўлиб, уларни ижарага беришади. Истаган одам ҳовлини ижарага олиб, яна ўзи хоҳлаган пайтда қайта топширади.

### **Қаъба (уйи) эшигининг тавсифи**

Бу сож (тик дарахти) нинг ёғочидан ясалган икки табақали эшик бўлиб, баландлиги олти ярим араш ва ҳар бир табақанинг эни биру уч чорак газ, яъни иккала табақа уч ярим газ келади. Эшик юзи тўла ёзув, унда кумушдан доиралар ичида нақшинкор битикларни ўймакорлик қилганлар.

Битиклар олтин ва кумушдан эритиб қуйилган ва ушбу оят у ерга бошдан-оёқ битилган: «Инна аввала байтин вузиъа линносиаллазий би бакка». Ғазнадан (совға қилиб) юборилган иккита катта кумуш ғалқа эшикнинг иккала табақасига илинган ва унга ҳар қандай кишининг ҳам қўли етавермайди. Иккала табақага яна иккита ундан кичикроқ кумуш ғалқа ҳам илинган ва хоҳлаган кишининг қўли унга етади. Пастки иккита ғалқача катта кумуш қулф осилган ва эшик ана шу (қулф) воситасида ёпилади ва то у қулфни олмасалар эшик очилмайди.

**«Файласуф шоир, маърифатпарвар адиб Носир  
Хисрав Ҳаёти ва ижодий фаолиятини биласизми?»  
мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил  
қилишга тавсиялар**

Беллашувни ўтказишдан мақсад китобхонларни Носир Хисрав ижоди билан таништириб, шоир ва давлат арбоби яратган асарларни ўқиш, ижоди, таржимаи ҳоли, насиҳат ҳамда ҳикматлари, у ҳақидаги нашр этилган асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Ҳар бир гуруҳ 8 ёки 10 нафар китобхонлардан ташкил топади. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Кутубхонада бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида катнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини адибнинг алоҳида нашрларига, у ҳақидаги асарларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган жойда Носир Хисрав ҳаёти ва фаолиятини ақс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Носир Хисрав қачон ва қаерда таваллуд топган?

(Улуғ донишманд ва мутафаккир Абу-Муъиниддин Носир Хисрав ал-Қубодиёний 1004 йилда Ҳозирги Тожикистоннинг жанубида, Амударё ирмоғи бўлган Кофарниҳон дарёси бўйидаги Қубодиён шаҳрида таваллуд топган).

2. У бошланғич маълумотни қаерда олган?

(Носир Хисрав бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олган, кейин Марв ва Балх мадрасаларида таҳсилни давом эттирган).

3. Носир Хисрав ёшлигидан қайси тилларни ва фанларни ўрганган?

(У форс-тожик, араб тилларини; фанлардан эса алжабр, муқобала, ҳандаса, мантиқ, нужум, ҳайъат, тиббиёт, тиб, фалсафа, фикҳ, тарих, калом, мусика, аруз ва бошқаларни ўрганган).

4. У қайси ватандошларининг асарларини чуқур ўрганади?

(Носир Хисрав ўз замондошлари, улуг ватандошлари Абу Али ибн Сино, Форобий асарларини чуқур ўрганади ҳамда бутун умрга уларнинг содиқ шогирди ва давомчиси бўлиб қолади).

5. Носир Хисрав дунё файласуфларидан қимларнинг таълимотини ўрганиш билан шуғулланган?

(У қадим дунё файласуфлари Сократ, Платон, Аристотель таълимотини ўрганиш билан шуғулланади).

6. Носир Хисрав қайси шаҳарларда давлат идораларида ишлаган ва қайси ҳукмдорлар даврида расмий лавозимларда ишлаган?

(Манбаларда берилган маълумотларга кўра, у Балх, Марв шаҳрида давлат идораларида, маълум муддат Ғазнавий ҳукмдорлардан Султон Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Масъуд салтанати даврида расмий лавозимларда фаолият кўрсатган).

7. Шоирнинг фалсафий достонининг номини айтинг?

(Носир Хисравнинг фалсафий достонининг номи «Рўшноинома»дир. У куйидаги фасллардан иборат: «Инсон фитрати», «Инсон шарафи», «Комил инсон сифати», «Мақтовли ва ярамас хулқлар», «Жоҳиллар ва риёкорлар мазаммати», «Ақл таърифида», «Фалак ва юлдузларнинг яратилиши», «Тўрт унсур сифати»,

«Зоҳирий ва ботиний сезгилар», «Ўзликни билиш ҳақида» ва бошқалар).

8. Куйида келтирилган манбалар шоирнинг қайси асаридан олинган?

«Сени одам тўққан, одам бўл сен ҳам, Деву жин бўлмагил, одам бўл, одам», «Кимки шогирдликка чин дилидан шод, бир куни ўзи ҳам бўлгувси устоз», «Кишини ранжитмоқ осон ниҳоят, Кўнгилни овламоқ мушкулдир гоёт», «Ҳамиша кишига яхшилиқ кўзла, фақат яхшилиқдан омонлик изла».

(Носир Хисравнинг «Саодатнома» асаридан олинган).

9. Адиб қайси китобини 1070 йилда ёзиб тугатган?

(Носир Хисрав «Жомеъ ул-ҳикматайн» («Ҳикматлар йиғиндиси») китобини 1070 йилда ёзиб тугатган).

10. «Жомеъ ул-ҳикматайн» асари ҳақида нималарни биласиз?

(Носир Хисрав бу китобини файласуф олим ва исмоилия мазҳабидаги киши ўртасида бўлиб ўтган савол-жавоб ва суҳбатлар тарзида ёзган. «Жомеъ ул-ҳикматайн»да ҳам муаллиф илмнинг аҳамияти ҳақидаги фикрларини ривожлантириб, оламнинг яратилишидан мақсад унда оқил ва комил инсонлар яшашидир, деган хулосага келади).

11. Куйида келтирилган манба шоирнинг қайси асаридан олинган?

«Олам бир дарахт кабидир ва оқил одамлар ушбу дарахтнинг меваларидир. Дарахтнинг уруғини эккан ва парвариш қилаётган Зотнинг мақсади шунчаки дарахт ўстириш бўлмай, балки унда мевалар етиштиришидир».

(Носир Хисравнинг «Жомеъ ул-ҳикматайн» асаридан олинган)

12. Носир Хисрав қандай шеърий ва насрий асарлар яратган?

(Носир Хисрав «Сафарнома», «Зод ул-мусофирин», «Важҳи дин», «Саодатнома», «Рўшноинома», «Хон ул-иҳвон», «Бўстон ул-уқул», «Далил ут-мутахаййирин», «Жомеъ ул-ҳикматайн», «Рисола дар жавоби 99 саволи фалсафи», «Кушойиши ва раҳойиш» каби кўплаб шеърий ва насрий асарлар яратган).

13. Қуйида келтирилган парча мутафаккирнинг қайси асаридан олинган?

...Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади, бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқорироқ поғонага олиб келади, демак, билимнинг чегараси йўқ.

(Носир Хисравнинг «Зод ул-мусофирин» («Сафар қилувчилар йўл анжоми») деган китобидан олинган).

14. Носир Хисрав қайси мамлакатларда бўлган?

(У 7 йил (1045-1052) давомида Эрон, Арманистон, Озарбайжон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ диёрларидаги Табриз, Қоҳира, Қуддус, Макка, Мадина, Лаҳсо, Яман, Басра, Исфаҳон ва бошқа бир қатор шаҳар ва вилоятларда бўлган).

15. Атоқли шоир етти йиллик ажойиб ва ғаройиб саёҳати хотираларини тасвирлаб қайси асарини яратган?

(Носир Хисрав ажойиб ва ғаройиб саёҳати хотираларини тасвирлаб «Сафарнома» асарини яратган).

16. «Сафарнома» асарини ким ўзбек тилига таржима қилган?

(«Сафарнома» асарини форсийдан Ғулом Карим таржима қилган).

17. «Сафарнома» асарида мурувват, хайр-эҳсон кўрсатилган жойи бор. Шунини айтиб беринг?

(... Мен Ассувонда бўлганимда бир дўстим бор эди. Исми, олдин ҳам зикр қилиб ўтганимдек, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Филиж эди. Мен Айзобга жўнаганимда у дўстона мурувват кўргузиб, менга Айзобдаги ўз вакили номига бир хат ёзиб берган эди. Хатда: «Носир нимаики сўраса бериб, эвазига фақат олгани ҳақида тилхат ёздириб олгин», дейилган эди. Айзобда уч ой туриб қолганимизда мен бор маблағимни сарфлаб тугатдим ва ноиложлигимдан хатни ўша одамга элтиб бердим. У олижаноб одам экан ва менга шундай деди: «Худо ҳаққи, менда унинг жуда кўп моллари бор. Сенга хоҳлаган нарсангни бераман, фақат тилхат ёзиб берсанг бўлди». Мен Муҳаммад Филижнинг олийҳимматлигига қойил қолдим. Мендан бирон манфаат кўрмаган бўлса ҳам, шунча яхшиликлар қилди. Агар мен диёнатсиз одам бўлиб, фурсатдан фойдаланиб қолишни хоҳлаганимда, ўша хат туфайли бу одамдан кўп моллар олишим мумкин эди. Лекин мен ундан фақат юз ман ун олдим. Бунча миқдордаги ун ҳам бу ерда арзон эмасди. Мен олганим ҳақида тилхат ёзиб бердим ва у одам тилхатимни Ассувонга жўнатди. Мен Айзобдан жўнаб кетмасимдан бурун Муҳаммад Филижнинг қуйидаги мазмундаги жавоб хати етиб келди: «У сендан қанча миқдорда мол сўрамасин, айтганини менинг ҳисобимдан бергин. Ўз молингдан берсанг ҳам, кейин мен сенга тўлайман».

Бу ҳикояни келтиришимдан мақсадим шуки, то ўқувчилар инсон инсонга эътиқод қилишини билиб қўйсинлар. Хайр-саховат ҳамма жойда бор, олижаноб одамлар доимо бўлган ва бўлишади).

18. Носир Хисрав ҳар хил касб эгалари ичида деҳқон меҳнатини айниқса кўкка кўтариб шарафлайди:

Ана шу шеърдан парча келтиринг ва уни ким таржима қилган?

(Косибдан ҳам жаҳонда деҳқон ортиқ,  
Тама жондорга этмиш ризқ тортиқ.  
Жаҳон хуррамлигин боиси деҳқон,  
Унинг бирла экинзор боғу бўстон.  
Бу ишдин яхши оламда не бордир,  
Бу иш Одам Атодан ёдгордир.  
Гар у деҳқонлигин қилса ҳар ишта,  
Анга тенг келмагай ҳатто фаришта.  
Жафокаш, паҳлавон меҳнат чекадир,  
Тўкиб тер, барчанинг ризқин экадир.  
Улус ризқи калидидир қўлида,  
Кўнгилни ёритар нури йўлида.  
Бу оламда адолатнинг қулидир,  
У оламда беҳишт боғин гулидир.

Ш.Шомуҳамедов таржимаси).

19. Қуйида келтирилган ушбу парча Носир Хисравнинг қайси асаридан олинган?

Худойи субҳонаҳу ва таолога шукрлар қилдик.  
Балх шаҳрига етиб келган кунимиз, мен ўз аҳволимизни  
баён қилувчи ушбу уч байтни битдим!

Гарчи бу жаҳон ранжию алами бисёр,  
Бари ўтар, ҳар нарсанинг ўз поёни бор.  
Эски шу чарх тиним билмай айланар тун-кун,  
Тунлар ўтиб, келган каби кунлар биз учун,  
Қайтадиган бир йўл эди биз очган дафтар,  
Эвоҳ, охир насибадир қайтилмас сафар.

(Носир Хисравнинг «Сафарнома» асаридан олинган).

20. Адибнинг илоҳиёт масалаларига бағишланган китоби қайси?

(Носир Хисравнинг «Важъи дин» («Дин чегараси») асари, асосан, илоҳиёт масалаларига бағишланган. Бу рисолада Носир Хисрав шариатни исмоилия мазҳаби таълимотига кўра талқин қилади. Олим исломдан бошқа динлар таълимотига ҳам қизиқиш билан қараган. «Важъи дин» асарининг бир ўрнида у шундай дейди: «Ҳинд донишмандларида бир китоб бўлиб, улар буни Худонинг сўзлари дейишади. Мен уларнинг донишмандларидан бу сўзларнинг кўпларини эшитдим»).

21. XIX аср охири ва XX аср бошларида ижод қилган шоирлардан қайси бири Хисрав тахаллуси билан ижод қилган?

(XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод қилган шоирлардан бири Фансуруллобек Хисрав тахаллуси билан ижод қилган).

22. Қаерда Носир Хисрав асарларининг қўлёзмалари, нашрлари, таржималари ва улар юзасидан турли мамлакатларда олиб борилган тадқиқотлар библиографияси китоб ҳолида нашр этилган?

(1994 йилда Теҳронда нашр этилган).

23. Қайси рус олимининг йирик тадқиқотида Носир Хисравни исломийлар тарафдори сифатидаги фаолияти муфассал тарзда ёритиб берилган?

(Рус олими А.Е.Бертельснинг «Насири Хисрав и исмаилизм» (1959) асарида).

24. Носир Хисравнинг «Рўшнонома», «Саодатнома» асарлари қайси муаллифларнинг қайси асарлари билан бир даврда ёзилган?

(Носир Хисравнинг «Рўшнонома», «Саодатнома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Унсурулмаолий Қайковуснинг «Қобуснома» асарлари билан бир тарихий даврда ёзилган).

25. Носир Хисравнинг «Сафарнома» асари кўп жиҳатлари билан қайси муаллифнинг асари билан ўхшаш?

(Муаллифнинг «Сафарнома» асари кўп жиҳатлари билан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарини эслатади).

26. Носир Хисрав қачон ва қаерда вафот этган?

(Носир Хисрав 1088 йилда Юмғонда (Бадахшондаги қишлоқлардан бири) вафот этди. Унинг қабри ҳам шу жойдадир).

Беллашув якуини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан яқунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг қисқа ва батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, адабиётшунослар, географлар, саёҳатчилар, диншунослар, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, шунингдек, адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Ҳолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

### **«Жаҳон кезган аллома» номли китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар**

Таклиф этилаётган китоб кўргазмасининг мақсади, кутубхонада ўтказиладиган тадбирларни тўлдирати, мустақил ўтказишга ёрдам беради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

### **1. Носир Хисрав биографиясининг саҳифалари**

Носир Хисравнинг илм-фанни,  
инсонни, меҳнатни, касб-ҳунарни  
улуғловчи, адолатсизликнинг ҳар қандай  
кўринишини қораловчи мероси сўнги  
авлодлар маънавий юксалиши учун муҳим  
озуқа бўлди, у халқнинг сеvimли шоир ва  
мутафаккирига айланиб кетди.

М.Болтаев

Бу бўлимга Носир Хисрав биографияси берилган  
нашрлар кўйилади.

## **2. Носир Хисрав шоир ва давлат арбоби**

Носир Хисрав иллатларга қарши ўт  
очган аллома. У камчилик ва нуқсонларни  
аёвсиз очиб ташлаган. У яратган  
дурдоналар авлодлар маънавий дунёсини  
бойитишга хизмат қилаверади.

М.Усмонов

Бу бўлимга Носир Хисравнинг алоҳида ўзбек  
тилидаги ва бошқа тиллардаги нашрлари кўйилади.

## **3. Носир Хисрав маърифатпарвар шоир**

Ақл билган ҳама гавҳарлар аро,  
Илмдан яхши кимё йўқдир асло.

Носир Хисрав

Бу бўлимга шоирнинг илм, билим, маърифат,  
касб-ҳунар ҳақида ёзилган асарлари кўйилади.

## **4. Ноёб дурдоналар соҳиби**

Унинг ижоди мантиқан кучлилиги билан ажралиб туради. Панд-насиҳатлари ҳам ўринли, ҳаётий. Алломанинг ўлмас дурдоналари, унинг ўғитларининг аҳамияти мустақилликка чиққан юрдошларимиз учун янада мароқли, ибратлидир.

М.Усмонов.

Бу бўлимга шоир ва ёзувчиларнинг Носир Хисравга бағишлаб ёзган асарлари олимларнинг у ҳақида ёзган илмий мақолалари ва бошқа маълумотларга эга бўлган адабиётлар ҳамда нашрлар қўйилади.

Қуйида кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркумини тавсия этамиз.

### **Китобхонлар конференцияси**

1. «Носир Хисрав ҳикматларининг аҳамияти».
  2. «Носир Хисрав адабий ва илмий мероси».
- «Фидойи эътиқод» мавзусида китоб кўرғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

### **Мавзули кеча**

1. «Носир Хисрав ботиния-исмоилия мазҳабининг асосчиларидан».
  2. «Носир Хисрав адолатпарвар шоҳу ҳокимлар тарафдори».
- «Буюк аллома» мавзусида китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

### **Савол-жавоб кечаси**

1. «Носир Хисравни биласизми?»

2. «Носир Хисрав ким?»  
«Буюк мутафаккир» мавзусида китоб кўрғазмаси  
ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

#### **Билимдонлар беллашуви**

1. «Носир Хисрав ҳикматларини биласизми?»  
2. «Меҳнатқаш халқ, ҳунарманд, бинокор,  
деҳқонлар ва бошқа касбкор эгаларининг шоир  
мисраларида қаламга олинди».  
«Ҳикматлари дилда жо» мавзусида китоб  
кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

#### **Давра суҳбати**

1. «Носир Хисрав асарларида халқпарварлик,  
маърифатпарварлик, инсонпарварлик ғояларининг  
улуғланиши».  
2. «Аллома шоир асарларида одамлар юксак  
одамийлик сифат ва фазилатларига даъват этилиши».  
«Носир Хисрав файласуф» мавзусида китоб  
кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

#### **Мунозара кечаси**

1. «Абу Али ибн Сино ва Форобийларнинг Носир  
Хисрав ижодига таъсири».  
2. «Сукрот, Платон, Аристотель таълимотини  
ўрганиши».  
«Маънавиятимиз сарчашмаси» мавзусида китоб  
кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

#### **Хотира ва кадрлаш соати**

1. «Улуғ шоир ҳикматлари».

2. «Мутафаккир насиҳатлари».

«Ўчмас номинг жаҳонда» мавзусида китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

«Носир Хисрав 1000 ёшда» рукни остида картотека тузиш ва асарларининг алоҳида нашрлари, у ҳақидаги материаллар билан картотекани бойитиб бориш.

Катнашувчилар: жойлардаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказлари, «Олтин мерос», «Маҳалла», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармалари вакиллари, хотин-қизлар кўмиталари, диншунослар, файласуфлар, тилшунослар, адабиётшунослар, педагоглар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

### Адабиётлар

Хисрав Н. Сафарнома /Тарж. Ғулом Карим.-Т.: Шарқ, 2003.-112 б.

Носир Хисрав (1004-1088) //Буюк сиймолар, алломалар: (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар). К.1. /Нашрга тайёрловчи М.М.Хайруллаев. - Т.: А.Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.-Б.56-62.

Носир Хисрав //Машриқзамин – ҳикмат бўстони /Тарж., тўпловчи ҳамда изоҳ муаллифлари: Ғ.Ғомидий ва Маҳмуд Ғасаний; Масъул муҳаррир Ғ.Ас-Салом.-Т.: Шарқ, 1997.-Б.374-375.

Носир Хисрав (1004-1088) //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиллар) /Масъул муҳаррир М.М.Хайрул-

лаев. - Тўлд.кайта нашр.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,1999.-Б.101-108.

Носир Хисрав (1004-1088) //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) /Тўпловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев.-Тўлд.кайта ишланган нашр.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.-Б.112-118.

Носир Хисрав //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6 жилд. Мирий-Пархши /Таҳрир ҳайъати: А.Абдувоҳитов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003.-Б.399.

Етгинчи равза. Шеър ва шоирлик бобида: [Носир Хисрав] //Жомий Абдураҳмон. Баҳористон (Форсчадан Ш.Шомуҳамедов тарж.-Т.: Ёзувчи, 1997.-Б.76-77.

Инжулар уммони: Қасидалар, ғазаллар, рубоийлар, китъалар, дostonлардан парчалар /Тўпловчи Ш.Шомуҳамедов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.-Б.150-158.

Фидойи эътиқод //Ҳомидий Ҳамиджон. Кўҳна Шарқ дарғалари: Бадиий-илмий лавҳалар. - Т.: Шарқ, 1999.-Б.91-92.

Ҳаж сафари дафтарида (Носир Хисравнинг «Сафарнома» сидан) /Форс тилидан О.Бўриев тарж.; Масъул муҳаррир Абдулазиз Мансур.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.-30 б.

Ҳаким Носир Хисрав //Самарқандий Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони: («Тазкират уш-шуаро»дан) /Форс-тожик тилидан Б.Аҳмедов тарж.; Шеърларни С.Раҳмон тарж. қилган.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.-Б.30-33.

\* \* \*

Нуриддинов Х. Жаҳон кезган аллома:  
Маънавиятимиз сарчашмаси: [Носир Хисрав ҳақида]  
//Қишлоқ ҳақиқати.-1993.-28 сент.

Нуриддинов Х. Ўикматлари дилга жо: [Олим ва  
шоир, давлат арбоби Носир Хисрав (1004-1088) ҳақида]  
//Тошкент оқшоми.-1994.-11 янв.

Усмонов М. Одамийлик тавсифи: Биз улкан  
мерос ворисларимиз: [Ижодий мулки шарқ  
классикларининг ноёб дурдоналарига айланиб қолган  
Носир Хисрав ҳақида] //Қишлоқ ҳаёти.-1997.-25 март.

Босишга рухсат этилди 2004 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_  
Бичими \_\_\_\_ наshr. т. \_\_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_

---

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер  
Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
босмахонасида чоп этилди